

## Янги Ўзбекистон остонаси мактабдан бошланади

Жорий йилнинг 30 сентябрь куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев раислигида “Мамлакатимизда таълим-тарбия тизимини такомиллаштириш, илм-фан соҳаси ривожини жадаллаштириш” масалалари муҳокамасига бағишлаб ўтказилган видеоселектор йиғилишида белгилаб берилган вазифалардан келиб чиқиб Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти Қарши филиали Деҳқонобод тумани 28-, 33-, 38-, 40-, 47-, 48-, 49-, 52 ва Яккабоғ туманидаги 86 - мактабларига масъул этиб белгиланди. Мактабларнинг педагогик салоҳиятини оширишга, ўқитишнинг янги методикаларини жорий этишга, ўқитувчиларнинг аниқ фанлар бўйича малакасини оширишга қаратилган “йўл харитаси” ишлаб чиқилди. Филиалга бириктирилган мактабларга амалий ёрдам бериш, илм-фан соҳаси ривожини жадаллаштириш бўйича ишчи гуруҳлар шакллантирилди. 2020 йилнинг 5 ноябрь куни Деҳқонобод тумани 52 - мактабга Ёшлар билан ишлаш, маънавият ва маърифат бўлими бошлиғи Б.Рўзиқулов раҳбарлигидаги ишчи гуруҳ ташрифи амалга оширди. Мактаб ўқитувчиларини математика ва кимё фанидан малакасини ошириш, таълим-тарбия ва илм-фан соҳаси бўйича доимий ҳамкорлик режаси ишлаб чиқилди.



ТИҚХММИ матбуот хизмати